

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSс.07/30.12.2019.Уч.22.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

КАРИМОВ АБРОРБЕК АЗИМОВИЧ

**ФУҚАРОЛАР СОҒЛИҒИНИ САҚЛАШНИНГ ФУҚАРОЛИК-
ХУҚУҚИЙ НОРМАЛАР ВОСИТАСИДА ТАЪМИНЛАШ
МАСАЛАЛАРИ**

12.00.03 – Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи. Оила ҳуқуқи.
Халқаро хусусий ҳуқуқ

юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

Докторлик (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (PhD) диссертации

Content of the abstract of doctoral (PhD) dissertation

Каримов Аброрбек Азимович

Фуқаролар соғлиғини сақлашнинг фуқаролик-ҳуқуқий нормалар
воситасида таъминлаш масалалари **3**

Каримов Аброрбек Азимович

Вопросы обеспечения охраны здоровья граждан посредством
гражданско-правовых норм **21**

Karimov Abrorbek Azimovich

Issues of providing health care to citizens through civil law **39**

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works **43**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSс.07/30.12.2019.Уш.22.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

КАРИМОВ АБРОРБЕК АЗИМОВИЧ

**ФУҚАРОЛАР СОҒЛИҒИНИ САҚЛАШНИНГ ФУҚАРОЛИК-
ХУҚУҚИЙ НОРМАЛАР ВОСИТАСИДА ТАЪМИНЛАШ
МАСАЛАЛАРИ**

12.00.03 – Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи. Оила ҳуқуқи.
Халқаро хусусий ҳуқуқ

юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.1.PhD/Үу27 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат юридик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tsul.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Боротов Миродилжон Хомуджонович
юридик фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Қараходжаева Дилором Мамировна
юридик фанлар доктори, профессор

Насриев Илҳом Исмоилович
юридик фанлар доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Республикаси Давлат Божхона қўмитаси Божхона институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги DSc.07/30.12.2019.Үу.22.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил 14 октябрь соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй. Тел.: (99871) 233-66-36 факс: (99871) 233-37-48, e-mail: info@tsul.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат юридик университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (933-рақам билан рўйхатга олинган) (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Амир Темур кўчаси, 13-уй. Тел.: (99871) 233-66-36).

Диссертация автореферати 2020 йил 30 сентябрь куни тарқатилди.

(2020 йил 30 сентябрдаги 28-рақамли реестр баённомаси).

И.Р. Рустамбеков

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор в.б.

Д.Ю. Хабибуллаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, юридик фанлар номзоди, профессор

С.С. Гулямов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бутун дунёда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг ишончли ва самарали тизимини яратиш жараёни кетмоқда. Бугунги кундаги глобал пандемия шароити ҳам чекловлар ва қатъий талабларнинг белгиланиши билан соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ этиш лозимлигини яна бир бор исботлади. Бу шароитда эса, ҳуқуқшунослик олдида янги чақириқлар юзага келмоқда. Зеро, бу вазият фуқаролар соғлиғини сақлашни барча соҳалар ва йўналишларда бирдек ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва таъсир чораларини белгилашни тақозо этади.

Жаҳонда фуқаролар соғлиғини сақлашнинг шартномавий-ҳуқуқий асосларини кучайтириш, бунда тиббий суғурта хизматларидан кенг фойдаланиш, пандемия шароитида глобал нуқтаи назардан соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишнинг ҳуқуқий асосларини яратишга катта эътибор берилмоқда. Фуқаролар соғлиғини сақлашда давлат томонидан кўрилатган чоралар (аҳолини оммавий эмлаш, санитария ва гигиена талабларига риоя этиш) билан бирга, даволаш ва профилактика хизматларини ҳуқуқий тартибга солиш механизмларини кучайтириш ҳам долзарб аҳамият касб этади. Бугунги кунда тиббий хизматни малакали ва сифатли амалга ошириш; давлат, бемор, тиббиёт ходими, тиббиёт муассасаларини тиббиёт ҳуқуқининг субъекти сифатида фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардаги ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш; шартнома асосида режалаштирилган тиббий муолажаларнинг кечиктирилиши ёки бекор қилинишини олдини олиш каби ҳуқуқий ечимини топиши зарур бўлган муаммолар юзага келмоқда. Трансплантация (инсон тана аъзоларини жарроҳлик йўли билан кўчириб ўтказиш) жараёни, телемедицина, “онлайн” мурожаатлар, шифокорлик айби, беморга етказилган зарарни қоплаш ёхуд бузилган ҳуқуқ (бу ўринда соғлиқ)ни тиклашга қаратилган чораларни таъминлаш билан боғлиқ ҳуқуқдаги бўшлиқлар, ҳуқуқ нормаларидаги тарқоқлик, шунингдек олинган статистик маълумотларга кўра, соҳага оид низоларнинг кундан-кунга кўпайиб бораётгани, айти шу масалаларнинг цивил илми ракурсидан тадқиқот объекти сифатида ўрганилмагани мазкур мавзунинг долзарблигини кўрсатади.

Мамлакатимизда ҳам пандемия муносабати билан жорий этилган карантин тадбирлари фуқаролар соғлиғини сақлашни ҳуқуқий тартибга солиш механизминини янада такомиллаштириш заруриятини юзага келтирмоқда. Шу жиҳатдан Ўзбекистон Республикаси Президенти кун мавзуси хусусида қуйидагиларни таъкидлаб ўтди: очик айтиш керак, ҳозирги кунда бутун дунё коронавирус деб ном олган мана шу тилсиз ёв, кўзга кўринмас душманга қарши уруш ҳолатида турибди. Урушга кирган ҳар қайси давлат, ҳар қайси халқ ўз юртини, ўз аҳолисини ҳимоя қилиш учун барча чораларни кўради. Энг аввало, хавф-хатарнинг йўлини беркитади, темир интизом ўрнатади. Қатъий сафарбарлик шароитида яшаш ва ишлашга ўтади.

Бугун биз ҳам айни шундай ҳолатдамиз¹. Пировардида “...ҳар қайси инсон миллати, тили ва динидан қатъи назар, эркин, тинч ва бадавлат умр кечириши, бугун ҳаётдан рози бўлиб яшаши – бизнинг бош мақсадимиздир. Бу йўналишда олдимизда улкан вазифалар турибди. Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги биринчи навбатда ижтимоий соҳадаги ислохотларимиз самараси билан чамбарчас боғлиқ”².

Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (1996), “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги (1996) Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ–4947-сон, 2018 йил 7 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–5590-сон, 2020 йил 2 мартдаги “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ–5953-сон Фармонлари, шунингдек соҳага оид бошқа қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш, ижросини таъминлашга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимизда фуқаролар соғлиғини сақлашнинг фуқаролик-ҳуқуқий нормалар воситасида таъминланиш масалалари алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

Хорижлик олимлардан фуқаролар соғлиғини сақлашнинг ҳуқуқий жиҳатлари сўнгги йилларда R.A. Hahn, B.I. Truman and D.R. Williams³, G. McCartney, F. Popham, R. McMaster, A. Cumbers⁴, L.O. Gostin and J.G. Hodge⁵, W.E. Parmet and M.S. Sinha⁶ каби мутахассислар томонидан тадқиқ этилган.

МДҲ доирасида А.В. Мелихов, В.С. Абдуллина, А.С. Мнацаканян⁷, сўнгги вақтларда Л.Б. Ситдикова, Е.Е. Сергеева, В.В. Масляков,

¹<https://president.uz/uz/lists/view/3705>

²Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 28.12.2018. <http://president.uz>. расмий сайти.

³Hahn R.A., Truman B.I. and Williams D.R. Civil rights as determinants of public health and racial and ethnic health equity: health care, education, employment, and housing in the United States // SSM-population health. – 2018. – N 4. – Pp. 17-24.

⁴Defining health and health inequalities // Public Health. – Volume 172. – July 2019. – Pp. 22-30.

⁵Gostin L.O. and Hodge J.G. United States Emergency Legal Responses to Novel Coronavirus: Balancing Public Health and Civil Liberties // JAMA. – 2020. – N 323(12). – Pp. 1-2.

⁶Parmet W.E. and Sinha M.S. Covid-19 – the law and limits of quarantine // New England Journal of Medicine. – 2020. – N 382(15), – P. 28.

⁷Мелихов А.В. Гражданско-правовая ответственность за вред, причиненный здоровью или жизни пациента: вопросы теории и практики: Автореф. дис... канд. юрид. наук. – Волгоград, 2006. – 28 с.; Абдуллина В.С.

Н.Н. Портенко, З.Н. Шангареева, Е.Н. Баширина, Н.В. Фирсоваларнинг ишларини киритиш мумкин⁸.

Мамлакатимизда Ҳ.Р. Раҳмонқулов, И.Б. Зокировлар фуқаролар соғлиғини – уларнинг умумий ҳуқуқ ва манфаатлари нуқтаи назаридан, И.И. Насриев – шахсий номулкӣ ҳуқуқ сифатида, О. Оқюлов, Н.Ҳ. Эгамбердиевалар фуқаронинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарни қоплаш, Ш.Н. Рўзиназаров фуқаролар соғлиғини сақлашни фуқаролик ҳуқуқларининг хавфсизлиғини таъминлаш, Н.Ш. Саид-Ғазиева, Ж.И. Бобоевлар истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг бир кўриниши сифатида фуқаролар соғлиғини таъминлаш, М.Х. Баратов давлат органлари томонидан фуқаролар соғлиғига етказилган зарарни қоплашга оид тадқиқот ўтказганлар⁹. Мавзу предметиға яқин масалаларда Ф.А. Ваитова, М.С. Болтаев, Н. Ғафуровалар тадқиқот олиб борганлар¹⁰.

Бироқ ҳозирга қадар Ўзбекистонда, цивил илмида фуқаролар соғлиғини сақлашни фуқаролик-ҳуқуқӣ нормалар воситасида таъминлаш масалалари алоҳида тадқиқот предмети бўлган эмас. Бинобарин, бу ҳолатлар соҳадаги муаммоларни ўрганиш ва тадқиқ этиш заруратини белгилайди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмӣ-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиғи. Диссертация мавзуси Тошкент давлат юридик университетининг илмӣ-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Ижтимиӣ-иқтисодӣ ислоҳотларни фуқаролик-ҳуқуқӣ таъминлаш муаммолари” устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади мамлакатимизда фуқаролар соғлиғини сақлашнинг фуқаролик-ҳуқуқӣ тартибга солиш муаммоларини таҳлил қилиш ва шулар асосида амалдаги фуқаролик қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича умумназарий хулосалар ва таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

фуқаролар соғлиғини сақлаш тушунчаси ва унинг юридик тавсифини очиб бериш;

Гражданско-правовая ответственность за нарушения в сфере оказания медицинских услуг: Автореф. дис... канд. юрид. наук. – Казань, 2007. – 24 с.; Мнацаканян А.С. Гражданско-правовая ответственность исполнителя медицинских услуг: Автореф. дис... канд. юрид. наук. – Краснодар, 2008. – 29 с.

⁸Ситдикова Л.Б. Проблемы гражданско-правовой ответственности за причинение вреда здоровью пациента: вопросы теории и судебной практики // Медицинское право. – 2016. – № 6. – С. 7-11; Сергеева Е.Е. Проблема гражданско-правовой ответственности в сфере здравоохранения. Актуальные проблемы управления здоровьем населения. – Нижний Новгород, 2018. – С. 155-158; Масляков В.В., Портенко Н.Н. Особенности гражданско-правовой ответственности в сфере медицинских услуг // Медицинское право. – 2019. – № 6. – С. 28-32; Шангареева З.Н. Субъекты правоотношений по оказанию медицинских услуг // Аллея науки. – 2020. – № 2. – С. 578-583; Баширина Е.Н., Фирсова Н.В. Правовая квалификация медицинской ошибки и ее последствия //Международный журнал гуманитарных и естественных наук. – Новосибирск: 2020. – № 4. – С. 129-131.

⁹Муаллифларнинг ёзма манбалари диссертация сўнггида берилди.

¹⁰Ваитова Ф.А. Тиббий хизмат кўрсатишга оид муносабатларни фуқаролик-ҳуқуқӣ тартибга солиниши: Монография. – Т.: ЎЗМУ, 2012. – 163 б.; Болтаев М.С. Тиббий сўғурта шартномасини фуқаролик-ҳуқуқӣ тартибга солиш масалалари: Юрид. фан. номз. дисс... – Т., 2012. – 163 б.; Ғафурова Н.Э. Развитие медицинского права в Республике Узбекистан путем имплементации международных норм: Автореф. дис... докт. филос. (PhD) юрид. наук. – Т., 2018. – 56 б.

фуқаролар соғлиғини сақлашни таъминловчи фуқаролик-ҳуқуқий нормалар тизимини таҳлил қилиш;

фуқаролик-ҳуқуқий нормалар воситасида таъминланадиган фуқаролар соғлиғини сақлашнинг субъектлари ва объектларининг ўзига хос хусусиятлари аниқлаш;

фуқаролар соғлиғини сақлашнинг фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар воситаси таъминланишининг ўзига хос жиҳатларини кўриб чиқиш;

фуқаролар соғлиғини – шахсий номулкӣ ҳуқуқ сифатида ҳимоя қилинишини ёритиш;

фуқаролар соғлиғига етказилган зарарларни қоплаш амалиётини танқидий таҳлил қилиш.

Тадқиқотнинг объекти – бозор муносабатлари шароитида фуқаролар соғлиғини сақлашнинг фуқаролик-ҳуқуқий нормалар воситасида таъминлаш масалалари билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар.

Тадқиқотнинг предмети тадқиқотнинг объекти билан боғлиқ илмий-амалий муаммолар ва ҳуқуқни қўллаш амалиётидир.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда илмий билишнинг соҳада юз бераётган воқеа ва ходисаларни ўрганиш, тизимли таҳлил, мантиқийлик, умумлаштириш, дедукция, қиёсий-ҳуқуқий, статистик маълумотларни ўрганиш каби усулларида кенг фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

шахсга доир махсус маълумотларга ишлов беришда жисмоний ёки руҳий (психик) саломатликка тааллуқли маълумотлар, шунингдек шахсий ҳаёт тўғрисидаги маълумотлар шахсга доир махсус маълумотлар экани исботланган;

шахсга доир махсус маълумотларга ишлов беришга тиббий-ижтимоий хизматлар кўрсатилаётганда, бундай маълумотларга шахсга доир маълумотларнинг ҳимоя қилинишини таъминлаш мажбурияти зиммасига юклатилган тиббиёт ходими томонидан ишлов берилиши шарти билан йўл қўйилиши мумкинлиги асослаб берилган;

шахсга доир махсус маълумотларга ишлов беришга тиббий ташхис, даволаш белгиланаётганда, бундай маълумотларга шахсга доир маълумотларнинг ҳимоя қилинишини таъминлаш мажбурияти зиммасига юклатилган соғлиқни сақлаш муассасасининг ваколатли шахси томонидан ишлов берилиши шарти билан йўл қўйилиши мумкинлиги исботлаб берилган;

тиббий маълумотга эга бўлмаган шахсларнинг тиббий хизмат кўрсатиш фаолиятини лицензиялаш бўйича махсус комиссиянинг хулосаси асосида халқ табобати усулларида фойдаланган ҳолда тиббий фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлиши мумкинлиги асослаб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Диссертациядаги илмий-назарий хулосалар, таклиф ва тавсиялардан илмий-амалий фаолиятда, қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида, соҳавий муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатларининг тегишли нормаларини шарҳлашда, миллий қонунчиликни такомиллаштириш ҳамда фуқаролик, тиббиёт ва

шартнома ҳуқуқи фанларини илмий-назарий жиҳатдан бойитишда фойдаланиш мумкинлигида намоён бўлади.

Шунингдек, диссертациянинг амалий натижаси сифатида фуқаронинг соғлиғи ўзига хос номоддий неъмат – шахсий номулкӣ ҳуқуқ сифатидагитавсифи ишлаб чиқилди, врачлик хатоси ва таваккалчилиги ўртасидаги чегара аниқланди, Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳамда Соғлиқни сақлаш кодекси концепцияси ишлаб чиқилди.

Ушбу натижалар, *биринчидан*, соғлиқни сақлашда тиббий хизмат ва унинг ҳуқуқий тартибга солиниши ва уни амалга ошириш тизимлари, бу борада ташкил этилган тузилмаларнинг ҳуқуқий ҳолати, инсон соғлиғини сақлашга қаратилган ҳуқуқий усул ва воситаларни такомиллаштиришда; *иккинчидан*, асосий ижтимоий вазифаси ўз ҳудудидаги барча аҳоли қатламларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини (шу жумладан, соғлиқни сақлаш ҳуқуқини) таъминлашга қаратилган давлатнинг бугунги кунда ўзи томонидан ташаббус билан чиқилган соҳада давлат-хусусий шерикликни шакллантиришда; *учинчидан*, ҳуқуқдаги бўшлиқларни тўлдириш ва суд амалиётида учраётган муаммоли ҳамда баҳсли ҳолатларни бартараф этишда; *тўртинчидан*, “электрон соғлиқни сақлаш”ни кенг жорий этишда; *бешинчидан*, фуқаролар соғлиғига етказилган зарарни қоплаш амалиётини такомиллаштиришда хизмат қилиши мумкинлиги билан амалий аҳамият касб этади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган усуллар, унинг доирасида фойдаланилган назарий ёндашувлар расмий манбалардан олингани, миллий ҳуқуқ нормалари ва хорижий тажрибанинг ўзаро таҳлили, статистик маълумотларнинг расмий асослангани, тақлиф-тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли давлат органлари томонидан тасдиқлангани билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотпредмети доирасида олинган умумназарий хулосалар, тақлиф-тавсиялардан келгусидаги илмий фаолиятда, қонун ижодкорлигида, соҳага оид ҳуқуқ нормаларини шарҳлашда ва ҳуқуқ фанларини илмий-назарий жиҳатдан бойитишга олиб келишида кўринади. Суд-ҳуқуқ амалиётини, фуқаролар соғлиғини таъминлашга қаратилган фуқаролик-ҳуқуқий нормаларни такомиллаштириш бўйича аниқ тавсиялар сифатида фойдаланиш мумкинлигида кўринади. Шунингдек, олинган натижалардан таълим жараёнида ўқув материаллари тайёрлашда, машғулотлар ўтказишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Диссертация иши натижаларидан қуйидагиларда фойдаланилган:

фуқароларнинг шахсга доир махсус маълумотлари жумласига жисмоний ёки руҳий (психик) саломатликка тааллуқли маълумотларни киритиш лозимлиги ҳақидаги тақлиф Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 июлдаги “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги ЎРҚ–547-сон Қонуни

25-моддасининг биринчи қисмида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши кураш қўмитасининг 2019 йил 8 ноябрдаги 112-сон далолатномаси). Ушбу таклиф шахсга доир махсус маълумотларни тўлдиришга, улар билан ишлаш механизмини такомиллаштиришга хизмат қилган;

тиббий-ижтимоий хизматлар кўрсатилаётганда, бундай маълумотларга шахсга доир маълумотларнинг ҳимоя қилинишини таъминлаш мажбурияти зиммасига юклатилган тиббиёт ходими томонидан ишлов берилиши шарти билан боғлиқ муносабатларга доир таклиф Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 июлдаги “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги ЎРҚ–547-сон Қонуни 25-моддасининг учинчи қисми тўққизинчи хатбошисида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши кураш қўмитасининг 2019 йил 8 ноябрдаги 112-сон далолатномаси). Ушбу таклиф тиббиёт ходими томонидан ишлов берилиши шарти билан боғлиқ муносабатларни кучайтиришга хизмат қилган;

тиббий ташхис, даволаш белгиланаётганда, бундай маълумотларга шахсга доир маълумотларнинг ҳимоя қилинишини таъминлаш мажбурияти зиммасига юклатилган соғлиқни сақлаш муассасасининг ваколатли шахси томонидан ишлов берилиши шарти билан боғлиқ муносабатларга доир таклиф Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 июлдаги “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги ЎРҚ–547-сон Қонуни 25-моддасининг учинчи қисми тўққизинчи хатбошисида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши кураш қўмитасининг 2019 йил 8 ноябрдаги 112-сон далолатномаси). Ушбу таклиф соғлиқни сақлаш муассасаси ваколатли шахси томонидан ишлов берилиши шарти билан боғлиқ муносабатларни кучайтиришга хизмат қилган;

тиббий маълумотга эга бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги халқ табobati усулларидадан фойдаланган ҳолда тиббий хизмат кўрсатиш фаолиятини лицензиялаш бўйича махсус комиссиянинг хулосаси асосида халқ табobati усулларидадан фойдаланган ҳолда тиббий фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлишларига оид таклиф Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 22 майдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ–540-сон Қонунининг 2-моддасини шакллантиришда, яъни “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги Қонунининг 41-моддасини иккинчи қисм билан тўлдиришда ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши кураш қўмитасининг 2019 йил 8 ноябрдаги 112-сон далолатномаси). Мазкур таклиф соҳада меҳнат-ҳуқуқий ва фуқаролик-ҳуқуқий шартномавий муносабатларни такомиллаштиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот ишининг натижалари 4 та илмий-амалий анжуманда, жумладан 2 та халқаро, 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш, шу жумладан журналларда 10 та (1 та халқаро), 4 та илмий конференциялар тўпламларида (2 та халқаро), 2 та халқаро журналда, 1 та оммабоп журналда мақола нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 3 боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатини ташкил этган 156 саҳифадан иборат матн, 2 та иловадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** (докторлик диссертацияси аннотацияси) қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мувофиқлиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилинганлиги, тадқиқот натижаларининг апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритиб берилган.

Диссертациянинг **“Фуқаролар соғлиғини сақлаш тушунчаси ва фуқаролик-ҳуқуқий нормалар воситасида таъминлашнинг моҳияти ва аҳамияти”** деб номланган биринчи бобида фуқаролар соғлиғини сақлаш тушунчаси ва унинг юридик тавсифи, фуқаролар соғлиғини сақлаш – фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш объекти сифатида, фуқаролар соғлиғини сақлашни таъминловчи фуқаролик-ҳуқуқий нормалар тизимининг таҳлили амалга оширилган.

Фуқаронинг соғлиғи ўзига хос номоддий неъмат ва ижтимоий қадрият, шахсий номулкий ҳуқуқ сифатида ҳар томонлама талқин этилиши ва тушунилиши мумкин бўлган категория ҳисобланади. Бунда фуқаро соғлиғи тушунчаси, энг аввало, фуқаронинг инсон – биологик индивид сифатидаги организмларининг тўлиқ ва белгиланган даражада ишлаши сифатида тушунилиши лозим. Бироқ юридик категория сифатида фуқаронинг соғлиғи унинг шахсий номулкий ҳуқуқи ҳамда фуқаролик ҳуқуқларининг объекти сифатида номоддий неъматдир. Шу сабабли мазкур номоддий неъматнинг фуқаролик ҳуқуқлари объектлари тизимидаги ўрнини белгиланиши талаб этилади.

Диссертацияда бир қатор ҳуқуқшунос олимлар (И.Б. Зокиров, Ҳ.Р. Раҳмонқулов, И.И. Насриев, И.Б. Якубова, G. McCartney, F. Popham, R. McMaster, A. Cumber ва бошқалар)нинг фикрлари таҳлил этилиб,

фуқаролар соғлиғини сақлашнинг фуқаролик-ҳуқуқий нормалар воситасида таъминлаш тушунчасининг муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган.

Шунингдек, диссертацияда кўплаб хорижий мамлакатлар (Россия, Украина, Қозоғистон, Грузия ва бошқалар)нинг қонунчилиги таҳлил этилган ва шу асосда фуқаролар соғлиғини сақлашнинг принципларига оид “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддасини такомиллаштириш таклифи илгари сурилган.

Муаллифнинг ёзишича, ҳуқуқшунослик фанида соғлиқни сақлаш тизими ва соҳаси ҳуқуқий тартибга солиш объекти сифатида кенг ва атрофлича ўрганилмаган. Кўпчилик ҳолатларда фуқаролар соғлиғини сақлаш билан боғлиқ муносабатларни ҳуқуқий тартибга солувчи нормалар муайян даражада ҳуқуқшунослик фанларида бир томонлама ўрганилган. Шу сабабли ҳам фуқаролар соғлиғини сақлашни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш объекти сифатида ўрганиш ушбу соҳада юзага келаётган ижтимоий муносабатларни фуқаролик-ҳуқуқий усул ва воситаларини аниқлаштириш мавжуд илмий ва амалий бўшлиқни тўлдиришга замин яратади. Ишда ҳуқуқшунос олимлар (Н.С. Нарматов, Ф.А. Вайтова, С.Г. Стеценко, Е. Шленева ва бошқалар)нинг фикрлари ўрганилиб, тиббий хизмат фуқаролар соғлиғини сақлашга қаратилган алоҳида ҳуқуқий муносабат сифатида асосан фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар орқали тартибга солиниши лозимлиги асослантирилган.

Тадқиқот ишида тарқоқ ҳолдаги фуқаролар соғлиғини сақлашга, аҳолини санитария осойишталигига оид қонун ҳужжатларини ягона бир кодексда тизимлаштириш ва бугунги бозор иқтисодиётига мос бўлган, замонавий шартномавий муносабатлар жорий этилган тиббиёт ҳуқуқини назарда тутувчи – Соғлиқни сақлаш кодексини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш таклиф этилади.

“Фуқаролик-ҳуқуқий нормалар воситасида таъминланадиган фуқаролар соғлиғини сақлашнинг субъектлари ва объектлари” – деб номланган диссертациянинг иккинчи бобида фуқаролар соғлиғини сақлаш субъектлари ва уларнинг фуқаролик-ҳуқуқий мақомини белгилаш муаммолари, фуқаролар соғлиғини сақлаш субъектларини фуқаролик-ҳуқуқий нормалар воситасида туркумланиши, фуқаролар соғлиғини сақлашнинг объекти – фуқаролик ҳуқуқлари объекти сифатидаги масалалар ўрганилган.

Муаллифнинг фикрича, бугунги кунда фуқароларнинг соғлиғини сақлаш соҳасига нафақат давлат органлари, тиббиёт муассасалари, балки фуқароларнинг ўзлари ҳам масъулиятли эканлиги кун тартибдаги долзарб масалага айланиб бормоқда. Жаҳонда юз бераётган пандемия шароитида “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги Қонун нормалари умуман карантин талаблари ва шартларига жавоб бермаслиги намоён бўлди. Шу сабабли ушбу қонуннинг “Фуқароларнинг соғлиғини ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш” номли II бобида нафақат фуқароларнинг соғлиқни сақлашга бўлган ҳуқуқлари, балки фуқаролар ва юридик шахсларнинг соғлиқни сақлаш соҳасидаги мажбуриятлари ҳам белгиланиши лозим бўлади.

Шу муносабат билан Қонунга 25¹-модда сифатида “Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш соҳасида аҳоли ва юридик шахсларнинг мажбуриятлари” номли моддани киритиш таклиф этилади.

Фуқаролар соғлиғини сақлаш муносабатлари субъектлари асосан уч гуруҳга бўлинади. Булар соғлиқни сақлаш муассасалари, даволовчи шифокорлар, тиббиёт ва фармацевтика ходимлари ҳамда фуқаролар (беморлар, ногиронлар, санатория-курортларда даволанувчилар ва шу кабилар)дир.

Тадқиқот ишида фуқаролик-ҳуқуқий нуқтаи назардан соғлиқни сақлаш субъектларини туркумлаш қўйидаги мезонлар асосида амалга оширилади: мулк шакли, ташкилий-ҳуқуқий шакли, амалга ошираётган тиббий фаолият тури, умумий ва ихтисослашганлик, тиббиёт ва фармацевтика. Ишда ҳуқуқшунос олимлар (З.Н. Шангареева, Л.Б. Ситдиқова, А.С. Мнацакян, Ж. Бабаев ва бошқалар)нинг фикрлари ўрганилиб, фуқаролар соғлиғини сақлашнинг субъектлари фуқаролик-ҳуқуқий мақомига доир муносабат асослантирилган.

Муаллифнинг фикрича, инсон тана аъзоларини кўчириб ўтказилиши унинг соғлиққа бўлган шахсий номулкий ҳуқуқларининг бузилиши ҳисобланиши ёки ҳисобланмаслиги хусусида ёхуд айнан шундай муаммонинг мавжудлиги ҳақида муқаддам бирор-бир фикр илгари сурилмаган. Бугунги замонавий қарашлар ва тенденциялардан келиб чиқилган бўлсак, фанда шу пайтгача мавжуд бўлган ёндашувлар ва қарашлар фан ва техника имкониятларининг ортиб бориши билан ўзгариб бораётганини кузатиш мумкин.

Диссертациянинг учинчи боби – **“Фуқаролар соғлиғини сақлашнинг фуқаролик-ҳуқуқий институтлари воситасида таъминлаш муаммолари”** деб номланиб, мазмунан ишнинг катта юки ушбу боб зиммасига тушган. Унда фуқаролар соғлиғини сақлашнинг фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар воситаси орқали таъминланишининг ўзига хос жиҳатлари, фуқаролар соғлиғини ҳимоя қилишнинг фуқаролик-ҳуқуқий асослари, фуқаролар соғлиғига етказилган зарарларни қоплаш амалиётининг таҳлили амалга оширилган.

Фуқаролар соғлиғини сақлашга оид шартномалар, одатда, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш ёки тиббий хизмат кўрсатиш шартномалари кўринишида тузилади ва мазкур шартномадан келиб чиқадиган жавобгарликни белгилашда унинг ҳуқуқий асосларини аниқлаб олиш лозим бўлади. Тиббий хизмат кўрсатиш шартномасида буюртмачи сифатида фуқаролик ҳуқуқининг барча субъектлари: фуқаролар, юридик шахслар ва давлат шартномада иштирок этиши мумкин бўлса, ижрочи сифатида ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасида мазкур шартноманинг туридан келиб чиқиб турли субъектлар қатнашадилар. Ишда ҳуқуқшунос олимлар (Б. Ибратов, А.В. Тихомиров, Н.С. Нарматов, Е.Е. Сергеева, В.В. Масляков, Е.Н. Баширина, Н.В. Фирсова ва бошқалар)нинг фикрлари ўрганилди ва муаллиф томонидан қўйидаги мулоҳазалар билдирилди: тиббий хизмат кўрсатишга оид шартномаларни тузишда хизмат кўрсатиш жараёнида

кутилмаган кўшимча хизматлар учун кўшимча ҳақ тўлаш тартибини киритиш ва мазкур ҳолатлар юзасидан беморнинг розилигини олиш амалиётини жорий этиш лозим бўлади. Бу ҳолат судларда мазкур турдаги ишларни кўриш амалиётини ҳам яхшилашга хизмат қилар эди.

Шахсий номулкий ҳуқуқ сифатида фуқаронинг соғлиғини ҳимоя қилиш мазкур ҳимоя объектининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, икки гуруҳга ажратилиши мумкин. Биринчи гуруҳни – шартли равишда фуқаронинг соғлиғини сақлаш ва тиклаш, даволаш каби ҳаракатлардан иборат фактик ҳимоя қилиш деб номлаш, иккинчисини эса – ҳуқуқий ҳимоя қилиш деб номлаш мумкин.

Диссертацияда “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги Қонуннинг 13–14-моддалари номи ва мазмуни бир-бирига мос келмаслиги билан бирга, ушбу нормалар фуқароларнинг соғлиғи муҳофаза қилинишини талаб қилиш ҳуқуқини ҳам англатмаслиги, мазкур моддаларда соғлиқни сақлаш соҳасидаги давлат томонидан белгиланган кафолатлар ўз ифодасини топганлиги, шу боис мазкур икки моддани бирлаштириш ва уни 14-модда сифатида “Фуқаролар соғлиғини сақлашнинг кафолатлари” деб номлаш ҳамда 13-модда сифатида эса “Фуқароларнинг соғлиқни муҳофаза қилинишига нисбатан ҳуқуқи” деб номланган қоидаларни киритиш таклифи илгари сурилади.

Фуқаролар соғлиғини ҳимоя қилишнинг фуқаролик-ҳуқуқий асосларини иккига ажратиш мумкин: биринчиси, фуқаролар соғлиғини фактик амалда ҳимоя қилишнинг фуқаролик-ҳуқуқий асослари ва иккинчиси, фуқаролар соғлиғини ҳуқуқ сифатида ҳимоя қилишга қаратилган фуқаролик-ҳуқуқий усуллар. Мазкур икки ҳолат ҳам фуқаролар соғлиғини сақлашнинг фуқаролик-ҳуқуқий воситалар орқали таъминланиши ҳисобланади.

Тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг бемор (пациент)нинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарар, одатда, улар хизматининг сифатсизлиги, хатоликка йўл қўйилгани, тегишли билим ва малаканинг етарли бўлмаганлиги сабабли даволашнинг нотўғри усули танланганидан келиб чиқади. Бунда шифокор хизматининг сифат даражаси у томонидан амалга оширилган тиббий аралашув натижаларига боғлиқ бўлади.

Бу борада статистик маълумотлар таҳлил қилинганда, қуйидагилар аниқланди. Хусусан, Республика судлари томонидан:

- Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 116-моддаси (Касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик) билан 2017 йилда жами 90 та жиноят иши кўриб чиқилиб, 59 нафар фуқаро судланган. 2018 йилда 102 та жиноят иши кўриб чиқилиб, 106 нафар фуқаро судланган. 2019 йил 9 ойида 69 та жиноят иши кўриб чиқилиб, 74 нафар фуқаро судланган;

- ходимнинг соғлиғига етказилган зарарни қоплаш юзасидан 2017 йилда 77 та иш кўриб чиқилиб, тарафлар фойдасига жами 25 353 000 сўм ундирилган. 2018 йилда 49 та иш кўриб чиқилиб, тарафлар фойдасига жами 12 800 000 сўм ундирилган. 2019 йил 9 ойи давомида 69 та иш кўриб чиқилиб, тарафлар фойдасига жами 7 550 000 сўм ундирилган;

- фуқаровий муносабатда фуқаронинг шаъни, ор-номуси, кадр-қиммати, ҳаёти, соғлиғига, мол-мулкига етказилган зарарни қоплаш юзасидан 2017 йилда 537 та иш кўриб чиқилиб, тарафлар фойдасига 159 078 204 сўм ундирилган. 2018 йилда 457 та иш кўриб чиқилиб, тарафлар фойдасига 184 091 910 сўм ундирилган¹¹. Ушбу рақамлар сўнгги вақтларда соғлиқни сақлашга оид низолар кўпаяётганлигини, мавжуд ҳолат ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва бартараф этиш лозимлигини, ташкилий-ҳуқуқий таъсир чоралари кўрилиши лозимлигини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 38-боби “Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш” деб аталади. Тиббий хизмат кўрсатиш ҳам ушбу боб нормалари билан тартибга солинади. Кодекснинг 703-моддаси биринчи қисмига кўра, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси бўйича ижрочи буюртмачининг топшириғи билан ашёвий шаклда бўлмаган хизматни бажариш (муайян ҳаракатларни қилиш ёки муайян фаолиятни амалга ошириш), буюртмачи эса бу хизмат учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади. Ушбу нормадан ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси субъектлари сифатида буюртмачи ва ижрочи иштирок этишини хулоса қилиш мумкин. Бироқ шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бемор ҳар доим ҳам буюртмачи бўлавермайди.

ФКнинг 2-моддасига кўра, фуқаролар, юридик шахслар ва давлат фуқаролик қонун ҳужжатлари билан тартибга солинадиган муносабатларнинг иштирокчилари бўладилар. Ушбу нормадан келиб чиқиб, табиийки, фуқаролар, юридик шахслар ва давлат фуқаролик ҳуқуқи субъектлари ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 102-моддасига кўра, битимлар кўп тарафлама бўлиши, 354-моддасига кўра, тарафлар аралаш шартнома тузишлари мумкин.

Маълумки, юртимизда ижтимоий аҳамиятга молик касалликларни ва ижтимоий тоифадаги шахсларни бепул даволаш ва ташхис қўйиш юзасидан ордер тизими жорий этилган бўлиб, бунда тиббиёт муассасаси беморни даволайди, давлат эса кўрсатилган хизмат учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади. Мазкур ҳолатда, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси иштирокчилари бўлиб давлат-буюртмачи сифатида, бемор-наф олувчи сифатида ва тиббий муассаса эса хизмат кўрсатувчи ёки ижрочи сифатида намоён бўлади. Давлат тўловчи сифатида қатнашган ҳолатларда беморнинг наф олувчи сифатида ҳуқуқ ва мажбуриятлари вужудга келади (сифатли, малакали тиббий хизматдан фойдаланиши, дори-дармонлар билан имтиёзли таъминланиши, тегишли тартибда меҳнатга вақтинча лаёқатсизлик варақаси олиши ва ҳ.к.). Бироқ бундай шартномалар бўйича наф олувчи тушунчаси ФКнинг 38-бобида назарда тутилмаган.

ФКнинг 107-моддасига кўра, хатлар, телеграммалар, телефонограммалар, телетайпограммалар, факслар ёки субъектларни ва *улар хоҳиши-иродасининг мазмунини ифодалайдиган бошқа ҳужжатларни ўзаро айирбошлаш*, агар қонун ҳужжатларида ёки тарафларнинг келишувида

¹¹Ўзбекистон Республикаси Олий суди расмий веб сайти www.oliysud.uz

бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ёзма шаклда тузилган битимга тенглаштирилади. Мазкур ҳолатда имтиёзли даволаниш ҳуқуқини берувчи ва давлатнинг ваколатли соғлиқни сақлаш бўлими томонидан бериладиган ва бемор, давлат, тиббиёт муассасасининг даволаниш, даволаш, тўлаш каби хоши-иродасининг мазмунини ифодалаш мақсадида айрбошланган ордерни битимга тенглаштириш лозим.

Шу сабабли, тиббий хизмат кўрсатиш шартномаси кўп тарафлама бўлиши мумкинлиги ва у ўз ичига аралаш шартномавий муносабатларни қамраб олиши, фуқаронинг соғлиғи ФКда шартномавий муносабатлар объекти сифатида назарда тутилмаганлиги, тиббий хизмат кўрсатиш шартномасини бекор қилиш ёки шартнома шартларини бажаришдан бош тортиш ҳуқуқлари бошқа шартнома турларига нисбатан кескин фарқ қилиши мумкинлиги, ушбу ҳолатлар амалдаги ФКдаги тўлиқ қамраб олинмаганлиги сабабли, ФКга 38¹-бобини киритиш ва унга “Тиббий хизмат кўрсатиш шартномаси” деб ном бериш таклиф этилади.

Бундан ташқари, бозор иқтисодиётидан келиб чиқиб, хусусий тиббиёт муассасалари ҳам беморларга ўз рақобат стратегиясидан келиб чиқиб, беморларга текин тузиладиган шартнома асосида тиббий хизмат кўрсатиш акциясини ўтказишга ҳақли. ФКнинг 355-моддаси иккинчи қисмида “Шартнома бўйича бир тараф иккинчи тарафга ундан ҳақ ёки *бошқа муқобил тўлов олмасдан бирон нарсани бериш* мажбуриятини олса, бундай шартнома текинга тузилган шартнома ҳисобланади” – деб белгиланган. Ушбу моддада нарсга ёки ашё назарда тутилган бўлиб, норма мазмунидан хизмат кўрсатиш тушунчаси англашилмайди. Шу сабабли, бугунги бозор иқтисодиётига ўтиш шароитларидан келиб чиқиб, ушбу моддани қуйидаги таҳрирда баён қилиш таклиф этилади: “Шартнома бўйича бир тараф иккинчи тарафга ундан ҳақ ёки *бошқа муқобил тўлов олмасдан бирон нарсани бериш ёки хизмат кўрсатиш* мажбуриятини олса, бундай шартнома текинга тузилган шартнома ҳисобланади”.

Х У Л О С А

I. Фуқаролик ҳуқуқини такомиллаштиришга доир илмий-назарий хулосалар:

1. Фуқаролар соғлиғини сақлашнинг фуқаролик-ҳуқуқий нормалар воситасида таъминлаш деганда, шахсий номулкий ҳуқуқи бўлган соғлиқни муҳофаза қилиш, уни сақлаш борасида фуқаронинг малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳамда бирламчи тиббий ёрдам олишга бўлган ҳуқуқини амалга ошириш кафолатлари тушунилади.

